

*Ҳасан КАРВОИЛИ*  
*Хусан КАРВОИЛИ*

# *Ёлғыз хаёл*

*Шеърлар*

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти  
Тошкент — 2004

Макон тутган сени одамзот бўлди,  
Ютарман дегани бари мот бўлди.  
Ўтарсан дунё, дунё ўтарсан,  
Сенга келиб кимнинг кўнгли шод бўлди?


*Падари бузруквори Нишон Аҳмад ўғлининг бу шеърини  
отамиз кўп тақоролаб юргувчи эди. Ушбу китобимизни  
отамиз Маҳмараийм Нишон ўғли ва Нортоси Омон  
қизининг порлоқ хотирасига бағишлаймиз.  
Муаллифлар*

84 (5Ў)6 - 3  
T 24

T24      Карвонли, Ҳасан, Карвонли, Ҳусан,  
              Еруғ хаёл: Шеърлар.  
Тоза дил/Ҳасан Карвонли. Қизғалдоқ/  
Ҳусан Карвонли. - Т.: Алишер Навоий  
номидаги Ўзбекистон Миллий  
кутубхонаси нашриёти, 2004. - 48 б.  
I. Карвонли, Ҳасан. Тоза дил.  
II. Карвонли, Ҳусан. Қизғалдоқ.

№ 542-2004  
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси

© Ҳасан Карвонли.  
© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2004 й.



Ҳасан КАРВОНЛИ

# Жоза дил



\* \* \*

Мендан аразлаган шу телефон ҳам,  
Саволлар сұрасам сақтайди сукут.  
Шунда борлигини билдираар бир ғам  
Көлган ҳамма ғамни айлатиб унуг.

Хонага сиғмайман — очилар дарча,  
Ҳавоям түлдирмас дилда камимни.  
Тоқатимни қилиб парча-ю парча  
Соат санайверар соғинчларимни.

Күчага чиқаман шошиб, етар, бас,  
Ёнимда түхтайди таниш трамвай.  
Мени олиб жұнар чиқармасдан сас,  
Хол сүрмай, индамай, худди укамдай.

Узоқ йүл юраман, сұнади шаштим,  
Күйдіраман яна күйган юракни.  
Йүл юрдим, изладим, минг бекат ошдим  
Билолмай уйнинг яқын бекатни.

Кун бүйи кезаман шаҳарни сарсон,  
Ортимда бекатлар, узун-узун из...  
То ҳануз дилимда бир савол армон:  
Қаерда яшайсан, юракдаги қыз?

\* \* \*

Дунё киччирайди, юрак каттарди,  
Юракда бир дунё бўлди пайдо.  
Шаффоф осмонида оптоқ каптардай  
Рақс этдинг, дил анга бўлди шайдо.

Чарх уриб рақс этдинг, изларинг ёлқин  
Ё сенинг вужудинг нурлимидир?  
Томирда ҳисларим югурик тўлқин,  
Айт, севмай бўлурми ҳурликни де.

Ўйин туш, тўхтама, сен ҳурсан, ҳурсан,  
Ноёбсан бир марта кўрилган тушдай.  
Энг ёруғ хаёлдай қилурсан жилва,  
Яшагин бир умр осмондан тушмай...

\* \* \*

Гулга айлан, гулга айлангил,  
Баҳорларнинг келсин ҳаваси.  
Муҳаббатнинг оташларидай  
Куйдиргувчи бўлсин нафасинг.

Шаббода оҳ урсин пойингда  
Кипригига ёшлар илиниб.  
Ҳазин-ҳазин қўшиқларида  
Севганилиги турсин билиниб.

Ҳатто кўқда ой-у юлдузнинг  
Кўзларида ҳайрат акс этсин.  
Жамолингни бир кўриб қуёш  
Нурларида соғинч рақс этсин.

Ўзлигини унугиб ҳуршид  
Термулсин-да қолсин бошингда.  
Гулга айлан, гулга айлангил,  
Мен ҳам гулга айланай шунда.

\* \* \*

Осмон оқ либосда охиста-  
Охиста тушади ўйнга.  
Бир күшчә қайдадир олисда  
Сайрайди недандир суйунган.

Гул күзи намланур ёшлардан,  
Дилица йүк алам, йүк алам.  
Төмөрда, боғларда, даштларда,  
Чүлгиларда күкалам, күкалам.

Шодланиб шеър айттар шаббода,  
Ашталаб навниҳол майсаны.  
Сұзатары шириндир наводай:  
— Сев мени, сев мени, сев мени.

Караиман, сел бўлар юрагим,  
Томирда сенинчлар мавжланиб.  
Бир кўшиқ куйлади табиат  
Тобора авжланиб, авжланиб...

\* \* \*

Дераза олдида тик турган дилбар,  
Борликнинг бағрига ташлаган ғулу.  
Елларни хаёли айлаб саросар,  
Гулларни чиройи титратган сулув.

Деразадан кўкни кузатган нигоҳ,  
Ўзида неларни акс эттирган юз.  
Шеър деса шеър эмас,  
Куй деса куймас,  
Ҳис — маъюс, маъюс.

Жим хаёлга чўмтан онингда  
Бориб турсам эди ёнингта.  
Ўртамизда неча ой, йилилар,  
Дераза олдида тик турган дилбар...

\* \* \*

Бир кун келиб сен билан бирор  
Учрашмоғин ҳукм этар тақдир.  
У ким — Ҳасан деган болакай,  
Оққўнгилу кўйлаклари кир.

Бугун сени кўриб у бола  
Балки ҳайрон бўларди роса.  
Бу ким — Ҳасан исмли йигит,  
Кўнгли дону кўйлаги тоза.

\* \* \*

Қошлар камон, киприклар найза,  
Күзларингиз кулаверади.  
Бу дунёда сиз борсизки, мен  
Хам яшагим келаверади.

Юрагимда бир гул — сезмайсиз —  
Япрогини қиласар пояндоз  
Жондан азиз изларингизга.  
Сиз сезмайсиз. Сиз қиласиз ноз —  
Сезмайсиз.

Осмон тұла юлдуз, қарайсиз  
Мендең излаб ёруғ юлдузни.  
Дүйнегизда бир сир — айтмайсиз,  
Жонта жон баһп эттүвчи сүзни,  
Аяйсиз.

Бир лажза  
Сезмайсиз  
Аяйсиз  
Мени...

\*\*\*

Сен танийсан, суюклигим, мунча кўп  
Давлатингта давъо қилган султонлар.  
Кулса гул ё йигласа дур олай деб  
Изларингдан излайдилар имконлар.

Кушлар келиб унинг исми не деса  
Дараҳтлар ўй ўйлагани-ўйлаган.  
Бирор хур деб хаёл қиласар, сен эса  
Тирик шеърсан ҳали ҳеч ким билмаган.

Дийдорингта тўймай қолар фасллар,  
Қисишириар бири келса бирини.  
Талашади нафасингни насимлар  
Билайлик деб бу хушиғнинг сирини.

Анисимсан, кетди алам, кетди ғам,  
Нигоҳингдан кипригимнинг синиги.  
Қани эди яна бир бор кўмилсам,  
Кўзинг ёши кўлларнинг энг тиниги,  
Йиглама...

---

## Баҳодирга

Үттан масрур ёшылгын излаб  
Ивирсийди ҳазин-ҳазин ел.  
Чаманзорда хазонлар аро  
Яшнаб турар битта қизил гул.

Юракларда уйғонар ҳайрат  
Ки, борлиқда баргрезон фасли.  
У баҳорнинг ўлмаган руҳи,  
Кузакларга бўлмаган таслим.

Сенга чексиз ҳавас-ла, гулим,  
Недир секин ўргар дилимни.  
О, бу балки энг оғир гуноҳ —  
Бўлгим келди сендан севимли...

\* \* \*

Юрагимда яшнаган гул,  
маъюс гулим, оқ гулим.  
Менга қулиб боқмади баҳт,  
сен бир қулиб бок, гулим.  
Хиёнаткор баҳорларни  
эсламагил, қўй, гулим,  
Менингдек у кунларингни  
эртакларга йўй, гулим.  
Яна сенга айтар сўзим,  
ҳам тилагим шул, гулим,  
Гар севсалар севмаслигинг  
гуноҳлигин бил, гулим.  
Яна менга... Яна менга  
гулдан кафан бич, гулим.  
Дунё сендан кечмасидан  
сен дунёдан кеч, гулим.

\* \* \*

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Борлигим айлагил чилпарчин.  
Ки, босган ҳар битта изинтга  
Дилимдан түкилсин дилпарча.

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Унутай аламлар, ғамларни.  
Күзларим бағрига яширсин  
Мен қадрин билмаган дамларни.

Бир нигоҳ ташлагил, гулнигоҳ,  
Шууримда бир ҳайкал ўрнатай.  
Севилмоқ илмини ўргат сен,  
Мен сенга севишни ўргатай.

\* \* \*

Сен малак эмассан яралган нурдан,  
Шаффооф хаёлларинг юрмагай учеб.  
Кулсанг гул, йиғласант сочилмас дурлар,  
На севиб бўлади, на буткул кечиб.

Сенинг нигоҳларинг эмасдай ханжар,  
Тиф бўлиб, чўф бўлиб ботмайди дилга.  
Юракни этмайди парча-ю парча,  
Ва шундоқ тутқазиб қўймайди кўлга.

Ошиқлар оҳлари — маҳзуна еллар  
Зорли қўшиқ айтиб билмайди тиним.  
Ненидир пичирлаб титрайди гуллар,  
Улар-да билмайди исмингни сенинг.  
Барибир гўзалсан...

\* \* \*

Ярим кеч... Мусиқа янграп  
Хаёлтарни парча-парчалаб.  
Фалакларга сачрайди зарлар —  
Юлдуз мисол парча-парча қалб.

Кече юзин ёритар оқ нур —  
Нигоҳларни боғловчи тасма.  
Күнгилларга сочар тилло сув,  
Ховучида ҳайратнинг расми.

Садо келиб қўшилар янги  
Мусиканинг жарангларига.  
Дунё аста боради сингиб  
Муғанийнинг оҳангларига.

\* \* \*

Дилда шеър, дунё ҳам шеър экан,  
Ирмок-да шеър айтай дер экан.  
Ложувард осмонда шеър кўрдим,  
Офтобдан таралган нур экан.  
Булбулнинг тийцида куй бўлган,  
Армонли-армонли ўй бўлган.  
Раҳматлар бағишлаб дилларга,  
Хун олган ошиқдан хун олган.  
Ошиқлик шеър экан, шеър экан,  
Ниҳоя билмаган сир экан.

\* \* \*

Мана, яна гуллади осмон,  
Булут септи заминга атир.  
Унут бўлди юракда армон,  
О, яшагим келаётир.

Уфқларга ташладим назар:  
Шамолларда маъжланар майса.  
Руҳ ҳаётга ташналик сезар  
Оlam сенга қараб жилмайса.

Гўзал эди, гўзал яна ҳам,  
Ҳилпираиди ҳарир либоси.  
Чечакниям кўрсатар кўркам  
Қизғалдоқдай қизлар ибоси.

Бўй кўрсатди армон янгидан,  
Кўз олдимда севгининг расми.  
Апрелнинг оппоқ тонгига  
Яшаш сизга қийин эмасми?..

\* \* \*

Юзларида пардаи ибо,  
Нигоҳига тупмас нигоҳим.  
Яшнаб турар теграмда, аммо  
Согинаман уларни гоҳи.

Қадларига кийтани япил,  
Кафтларида юракнинг расми.  
Келинчакдай эгилган боши,  
Улар қайси мардларнинг хасми?

Бир-бир разм солинг уларга,  
Лов-лов ёнар орзиқкан диллар.  
Ўхшаб турар муслималарга  
Севиши учун яралган гуллар.

\* \* \*

Чиройлисиз чиройлилардан  
Баҳор ҳукм сурган дамларда.  
Солганингиз юракка неғам  
Ки, дил азиз айлар ғамларни.

Табассумлар кетар бирлашиб  
Жилмайсангиз сиз ҳам ҳаволар.  
Нигоҳингиз билан тиллашиб  
Ёғайверар кўқдан наволар.

Бахтиёрдир бунчалар баҳор,  
Изингизни гулга кўмадир.  
Менинг эса ўлтириб зор-зор  
Йиғлагим келяпти негадир...

\* \* \*

Ҳайқирсанг  
Келгудай дўстларинг бўлса,  
Дардингни олай деб,  
Сўраб ҳолингни.  
Жим бағрингта боссанг —  
Қучоғинг тўлса,  
Дастурхонга қўйсанг молу жонингни.  
Десанг Сўз,  
Дардини унутса диллар,  
Ватанинг дардларин олса ёдига.  
Ўзимга ўзим бек деган туйғуни  
Мерос қолдирмаса зурриёдига.  
Биздан яхши бўлса  
Болаларимиз,  
Армонларимизни англаса,  
«Туркистон — ватаним!» деган сўз  
Юракларида янграса.  
Чорласанг  
Дўстларинг йиғилиб келса,  
Жим бағрингта боссанг  
Топсалар маъни.  
Мен сенга, сен менга кераксан деса  
Миллатнинг шаъни бу,  
Миллатнинг шаъни!

\* \* \*

Бермасанг ҳам заррача таскин,  
Кетмасаям дилнинг губори,  
Ёмғир, сени соғиниш мумкин  
Соғинмаса кипини ёри.  
Йиғлаш мумкин сенга қўшилиб,  
Эзилиб-эзилиб,  
Ёмғир...

\* \* \*

Осмонлар шаффофу тоза эди дил,  
Қандайдир осмоний эди хаёллар.  
Байрамга келарди бир күлида гул,  
Бирида боласин туттан аёллар.

Шеър айтсак кувониб, чақириб бир-бир  
Шириликт берарди бизга катталар.  
Ширироқ туолар эди негадир  
Үзининг улушин берса акалар.

Байрамми, эртакми — бўлмасди билиб,  
Чопқилаб ўйнардик болалар бирга.  
Иссиқ ҳондай ёниб, кўзлари кулиб  
Офтоб ҳам беларди заминни нурга.

Осмонлар шаффофу тоза эди дил,  
Бугун бошқачадир дунёнинг ранги.  
Умрим йўлтарида янги бир манзил,  
Ҳайратлар туғизмиш юракда янги.

Бахти санагайман ул дамларимни,  
Лек қандай яшадим шунча йил сенсиз.  
Бормидинг болатик байрамларимда  
Йсмини мен энди билган қиз?!

\*\*\*

Кўзим қадаҳида чайқалар шароб,  
Аламлар эрийди юлдуз тафтида.  
Жилвали жилмайиб чорлайди сароб,  
Оғулар тутади икки кафтида —  
Дунё.

Хаёл — кулба каби кичкина қафас,  
Тутқунда асрайди энг гўзал ҳисни.  
Ой юрар йўлларни қўлмагин ҳавас,  
Осмонми армоннинг бошқача исми,  
Эй дил?

Умр-ку ўткинчи, баҳт ҳам лаҳзалик,  
Шабнам ҳам баҳтлимас бағрида гулнинг.  
Кун келар, не бўлар — билмайман аниқ,  
Билганим: ҳайтим изтиробу мунг.  
Кун келар...



\* \* \*

Дарахтлар ям-яшил, майсалар яшил,  
Орзулар оқ рангда, осмон зангори.  
Бўй етган қизлардай шўх қиқирлашиб  
Хусн талашади апрел тонглари.

Булоқдан чорбоққа шошар шалола  
Бир йилик соғинчдан ўзни унутиб.  
Акаси сайрга опчиқкан бола —  
Шаббодани сира бўлмайди тутиб.

Гўё ғам-аламни кўрмаган дунё,  
Ҳечам тугамайди күшларнинг назми.  
Дунёнинг бир чети — шу чорбоғ аро  
Тобора авжланяр баҳорнинг базми.

Бир уйча. Кўзи тўрт бўлган дераза.  
Дераза ортида тувакда бир гул.  
Бирор ундан ҳолинг не деб сўрамас,  
Тўкилиб боради юраги чил-чил...

\* \* \*

Нега бўйинг мендан баланд деб  
Осмонларга отган эди тош.  
У тош қайтиб бошига тушли,  
Ай, шунда ҳам ёрилмади бош.

---

## АВТОБУСДА ЁЗИЛГАН ШЕРЬ

Оппоқ далаларга чўқаяпти тун.  
Кўзингиз олдига келмасин пахта,  
Ахир қиши, куз эмас. Ҳаво юзи тунд,  
Ҳатто автобуснинг ичи ҳам яхтай.

Ташқарида рақс тушиб ялмоғиз  
Бошига қоп-қора рўмол ўрайди.  
Ҳамма жим, лек зарур каби билмоғи  
Ким кимдан бақириб соат сўрайди.

Мен ёруғ хаёллар илинжи ила  
Эслайман энг яқин аллакимимни.  
Биламан, у мени ўйламас сира,  
Балки унугтандир менинг исмимни.

«Бизни унугтанинни унумтоқ керак» —  
Мунча маҳзун, ҳофиз, куйларинг.  
Қаро тунга боқиб йўл бўйи  
Тундай қаро бўлди ўйларим.

\*\*\*

Қизғалдоқдай әдінг.  
Бир пайтлар хумор-  
хумор бокар әдім ёңік ҳуснингта.  
Үн саккызда әдім,  
тұнлари бедор  
Исмімни айттардим боғлаб исминніңта.

Қизғалдоқдай әдінг.  
Хайраттанардим.  
Әнг гүзәл шеър әдінг, әнг гүзәл нағо.  
Шеърга ошиқ әдім,  
севардим, лекин  
Сени ўзимгаям күрмасдим раво.

Турналар учарди  
«кур-эй»лаб күйлаб,  
Недан мугаассир титрарди қалпинг.  
Ённіңда турсам-да  
сен ҳақда ўйлаб  
Күлингдан тутмоққа бормиди ҳалдим?

Бугун орамизда  
Үн саккыз фасл,  
Сен йүқсан ёнимда, нетайки лолман.  
Киприкларим аро ёнар бир расм:  
Күйлагинг ям-яшил,  
дуррачанг алвон...

\*\*\*

Пешонамга ёзилган  
тақдиримдан тонмайман.  
Бироннинг гулини деб  
куйинмайман, ёнмайман.

Севги мисоли олма,  
бир тишламча ҳоли бор.  
Камбагалнинг кўнглидан  
бошқа қандай моли бор.

Қандай яхши кўрардим,  
кафтимда эди жоним.  
Наво билан, шеър билан  
тўлдирадим дунёни.

Муҳаббат йўқ деганлар  
тошларингни теринглар.  
Фақат менга бағритоп  
Ёрдан хабар беринглар...

\* \* \*

Ташқарида шовқин, қаҳқаҳа хунук,  
Қадам дупурига тұладир йұлак.  
Дунёнинг ғамбода чөхраси сұник  
Сенинг мұъжазгина хонантдан бұлак.

Шеърият ҳақида сүзлайман узоқ,  
Айтаман кейин шеър ёдлайсан кимдан.  
Күксимда бир исён, ғалаён, бироқ  
Ҳамма гапни айтиб бұлғандай жимман.

Ташқарида шовқин, дунё билмайды  
Бу ажибу нажиб ҳолнинг отини.  
Нитоҳинг китобда, бузгим келмайды  
Икки гүзал олам мулоқотини.

\* \* \*

Тор ҳужра.  
Торларин чертар Суқунат,  
Акс-садо беради унсиз Мусиқа.  
Оғир қадамларин санаб босар Вақт,  
Дам-бадам болпини ураг Эшикка.  
Бурчакда мүлтираб ўлтирап Хаёл,  
Оппоқ ёпинчиғин излаб изғир Тун.  
Бир нұқтага бокиб ўй сурар Савол,  
Тилида айланар ёлғончи таскин.



Бекатдаман. Хаёлларим ланж,  
Кетгандайман яшашдан безиб.  
Троллейбус, одамлар чиққач,  
Инграб юрди юракни эзиб.

Турибмизу елкама-елка  
Менинг дардим ҳеч ким билмайди.  
Ана, бир қыз им қоқиб йүлга  
Хамрохига қараб жилмайди.

Ишхонага ҳали бор анча —  
Икки бекат, юрсам пиёда.  
Шу пайттacha шопшилдим қанча,  
Бир бор шошмай шошқин дунёда.

Түшдим. Кетдим шундан ўй билан,  
Бир оламга ногоҳ келдим дуч.  
У баҳш этди дилимга ўлан  
Ва руҳимга шиддат, кувонч, куч.

Бу күчадан ўтганлар айтсин,  
Жаинатларнинг иси уфурар.  
Эрта туриб тонгда бир қизча  
Гулоб сепиб ҳовли сурурар.

\* \* \*

Қизиқтирмай күйди эртага умид,  
Яшагинг келмайди на күк, на ерда.  
Мен сени йўқотиб топганим шуми,  
Мен сени йўқотиб кўйдим қаерда?

Кўчага чиқасан дилингда малол,  
Дуч келар ҳар кунги нотаниш қалблар.  
Билмаймиз дейиппар сўрасант савол  
Кип-қизил масхара сурилган лаблар.

Кейин катта ҳаёт — этинг увушар,  
Ҳар куни илондай алмаштирап пўст.  
Неларнидир ўйлаб оғулар кўшар —  
Ширин сўз айтади ишонганинг дўст.

Қизиқтирмай күйди на осмон, на ер,  
Қизиқтирмай күйди на шеър, на севги.  
Шуми истаганинг яшамоқлиқ хур,  
Юракда йўқликка ўхшаган туйғу.

\* \* \*

Қандай йигит эдим, кунларим  
Кундуз куни ҳам ойли эди.  
Сени ўйлаб чиқсан тунларим  
Кундузлардан чиройли эди.

Рұхим аршға чиқиб қайтарди  
Фарақ ёқиб жону-жиссимни.  
Ширия тилинг билан айттардинг  
Хар галингда менинг исмимни.

Ишон, дийдорингта түйсам ҳам  
Сұхбатингта түймас эдим мен,  
Гапир дея күймас эдим мен.

Бу кун чекиб ўтирибман ғам,  
Аршға етмас юракнинг доди,  
Фазилатли кунларнинг ёди  
...қийнайди...

\* \* \*

Үйлагим келмайды ёмонлар ҳақыда,  
Сүйлагим келмайды хазонлар ҳақыда.  
Күйлагим келмайды армонлар ҳақыда —  
Ахир бугун Наврӯз, дўсттинам.

Ўтмишга дўнар қиши, боқиши паришон,  
Сувларда не ташвиш — оқиши паришон.  
Ёмғир кўз ёшими дилшарча ошиқнинг,  
Чечакка марварид тақиши паришон.

Қоқигул сарғаяр, дилида доғи бор,  
Бойчечак жилмаяр — болалик бегубор.  
Не қисса арзийди ушбу кун гул-чечак,  
Уники шу тупроқ, уники шу баҳор.

Қай кўнгил кўшкида тоҷ-тахти бўлармиз,  
Ундан сўнг ўлгунча то аҳдли бўлармиз.  
Эртага... Эртага биз бахти бўлармиз —  
Ахир бугун Наврӯз, дўсттинам.

\* \* \*

Сенга яхши сұзлар айттим келади,  
Дейлик, капалакнинг севгиси ҳақида.  
Гулни севади капалак,  
Айланади-үргилади жонфидо.  
Жон фидо қиласы бир куни,  
Шундайм  
Гулни күчогида ўстирган тупроққа  
Қоришиб кетади жимгина.  
Сенга яхши сұзлар айттим келади,  
Лекин сен айт  
Сақтайсанми у сұзларни  
Юрагингда,  
Авайлаб...

\* \* \*

Үтган йили мен бола эдим —  
Йигирма иккига кирған бола.  
Күнгилдош эдик  
Сабоқдошлар билан  
(Улар сизни танишади, лекин күрмаган).  
Бир кун дарсда хат келди ҳазин:  
«Сочингизга оқ оралабди,  
Ҳаммамиздан эрта қаридингизми?».  
Бугун  
Сочингизнинг оқтарига қараб  
Үкинаяпман, эна,  
Үтган йили бола эканман!

\* \* \*

Кундузлар оталар ияртиб түйларга,  
Ухласак опичлаб опкелган уйларга,  
Ёзниг кечалари соғинтириди мени.

Кечалар энасин уқадан қызғанған,  
Күпинча күёшдан илгари үйғонған  
Эрка бачалари соғинтириди мени.

Уришсак жүралар уришмай күндириған,  
Навраста дилларда ҳаваслар ундириған  
Яңға-чечалари соғинтириди мени.

Кеттүнчә тупроқдай меҳрлар түкілған,  
Кезсанғиз охири эртакқа чиқылған  
Қыптоқ күчалари соғинтириди мени...

\* \* \*

Битта осмон остида иккى  
Қутб аро яшапмиз жим.  
Елкамизда тириклик юки,  
Эркинликка қўймайди бир зум.

Кўрмасмизу кўрмас кўзимиз,  
Узокдасан, етмас қўлимиз.  
Банди бўлсак ҳамки ўзимиз  
Талпинади сенга дилимиз.

Жилоланиб, товланиб турфа  
Шуурда акс этишинг турли.  
Сенинг бутун борлиғинг нур ва  
Сенинг ҳатто хаёлинг нурли.  
Сени не деб севайлик, ҳаёт!..



Болалик, ай менинг тоза дилитигим,  
Ва айни саратон, қишлоқдаги түй.  
Пахтага бормайман дея олдим жим,  
Боргин деди отам, күзларида ўй.

Эсимда, түккизда эдим чамаси,  
Үнчалик билмасдым ўчни, гаразни.  
Нега йиғламадим қайтиб нафасим  
Исмин билмаганда содда аразнинг.

Кейин кетмөнчани ушладим яна,  
Кун ўтди ғұзани ўтлардан ўтаб.  
Ёндири үзи ҳам ёна ва ёна,  
Ез ўтди кунимни күйдириб, тутаб.

Тирикчиликмиди ишімнинг оти,  
Бу кун шууримда айланар қадар.  
Жилмайдым, ёшларим күзимда қотли —  
Болалик пок экан эңг пок ҳис қадар!

\* \* \*

Узокълашиб бораяпман секин  
Энг бахтиёр, шод дамларимдан.  
Севги билан сарафroz, лекин  
Аламларга ёт дамларимдан.

Оппоқ қороз узра чизиқдай  
Сочларимга оралабди оқ.  
Хусн эмас улар ҳарқалай,  
Ҳар биттаси жавобсиз сүроқ.

Аlam қилар ҳали ҳам менга  
(Нима учун? Нимага? Нега?)  
Юрагимда очилған гулга  
Бошқа бирөв чиққани зга.

Узокълашиб бораяпман жим  
Сендан, гулим, ҳатто ўзимдан.  
Тунлар ойга боқиб йигладим,  
Еш ҳам чиқмай қўйди кўзимдан.

Тушимга ҳам кирмай қўйдинг, гул,  
Балки сени кўрмасман қайта.  
Таслим бўлдим тақдирга буткул,  
Сен қайда-ю, Самарқанд қайдада?

Бу фикрга эрта келар ким,  
Ким келади умр шомида.  
Қанча қўйма ҳаёт гўзал, ки  
Ҳаёт ҳамон севги номида.

Хусан КАРВОНЛИ

# Киззалдок



\*\*\*

Ҳолим сұраб ҳеч ким келмади,  
Хұп йигладим: хотин билмади.  
Болаларим шириң ухлади  
Отажоним соғинган кеча.

Ташқарыда йиглади шамол,  
Мени қамаб олди түрт девол,  
Юрагимда қотди бир савол  
Она жоним соғинган кеча.

Титилади уйқунинг түри,  
Икки күзим фиғонга мүри,  
Таранглашды күнглиминг тори  
Отажоним соғинган кеча.

Устуналарим ёдымга олдим,  
Оқ қоғозга сиримни солдим,  
Күнглимини бир бүшатиб олдим  
Она жоним соғинган кеча.

Гулбаданим — шириң қызы, гулим,  
Мұдаммадбобур — эрка улим,  
Қараб туриб тұлади күнглим  
Отажоним соғинган кеча,  
Она жоним соғинган кеча.

\*\*\*

Балки бу энг сүнгти сафардир  
бойчечак пардасин төргөн тонг  
ғамсизлик түлдирди дилимни.

Қизгалдоқ хаёлим уфқи йүқ  
паришон ёришган чехрасиз  
саргайиб ётибди кўкалам.

Илдизсиз шамолнинг кўнгли бўш  
сийпалаб ўтади даштларни  
хотирим соғинчи сокиндири.

Энасин энтикиб эмгандай  
йўргакда ётади юрактул  
кун туғиб тун юттан паллалар.

Хотирим соғинчи сокиндири  
сийпалаб ўтади даштларни  
илдизсиз шамолнинг кўнгли бўши.

Саргайиб ётибди кўкалам  
паришон ёришган чехрасиз  
қизгалдоқ хаёлим уфқи йўқ.

Ғамсизлик түлдирди дилимни  
бойчечак пардасин торган тонг  
балки бу энг сүнгти сафардир.

\* \* \*

Чехранг аламлардан фориф бўлган дам,  
Кўзинг ишқ майлида маржон илганда,  
Бахтиёр бўламан сенингдек мен ҳам  
Кўнглингта, кўнглимга баҳор келганда.

Тунлари шодликдан йиғлай олмаган,  
Кунлари кунимга соя соглан қиз.  
Ҳали нигоҳлари излаб толмаган  
Ўзидай нурли-ю эрканоз юлдуз.

Умид кўйлагини кияман, аммо  
Дазмол қилинмаган ул кўйлак гижим.  
Қизгина, сен уни қўлсайдинг дазмол,  
Мен сенга термулиб ўтирасайдим жим.

Шунда эркаланиб қоларди дунё,  
Гулга айланарди ҳатто чирик хас.  
Саккиз тарафингда янграйди наво,  
Ошиқ муғанийлар қилади ҳавас.

### ХОЛАТ

Бундай қайсар шамол қайда бор,  
Қоп-қоронғу бунчалар кундуз.  
Қайта шошаяпти одамлар,  
Бунча оғир қўпол қадамлар.

Нега ҳечам синмас дераза,  
Бунча безбет бўлмаса ойна.  
Шовқин билан тўла-я шаҳар,  
Бунча ўлик бўлмаса сахар.

Мунча қаттиқ манави устол,  
Мунча хира манави кўзгу.  
Бунча хунук бўлмаса юзим,  
Бунча жирканч бўлмасам ўзим.

## ҚИЗҒАЛДОҚ

Қизғалдоққа әлангим келди,  
Үлиб қолса бүлади сенсиз.  
Самарқандда қизғалдоқтар күп.

Ху-ув узоқда, Қарши йүлида  
Шундоққина төг этагида  
Қизғалдоқтар ичида бир қиз.

Вақти йүқдір мени эслашға  
Маъсум қизғалдоқтар ичида  
Күзларидә Ҳайрат суваты.

Қизғалдоққа күмилгим келди,  
Ҳайратингта чүмилгим келди,  
Қизғалдоққа айланған гүзәл!

\* \* \*

Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз,  
Ихтиёр биздадир, ўзда илкимиз.  
Фам-ку ўзимизда, қувонч мулкимиз,  
Нега маъюсландынг, ахир иккимиз.

Мен борман, сен борсан, Қуёш бор, осмон,  
Кун гувоҳ, тун гувоҳ, сен гувоҳ, мен — хор.  
Фақат мени сұяб тургувчи сен бор,  
Сен борсан, Қуёш бор, мен бор, бор жаҳон.

Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз.  
Бир йиглаб олайин, сен йигламай тур.  
Кўзимнинг сувини кўзларингта сур.  
Иккимиз, дилоро, фақат иккимиз,  
Биз энди севгининг мулкимиз...

---

## ИЛТИЖО

Илгаб бораётир мени фасллар,  
Киргиси келмайди күйнімга.  
Бугун эса Наврұз,  
Умидворман ҳарқалай ундан.

Бир шеър сўровдим она — Қүёшдан,  
Хазонлар олиб кетиб қолибди,  
Қорлар сингдириб юборған Ерга,  
Сен мени алдама, Наврұз.

Чүмілмоқ истовдим камалакрантта,  
Ёмғир ювіб кетди рангларни.  
Совуқ қоттан тиланчидай қалтироқдаман,  
Иситиб күясан-а, Наврұз.

Сенга ҳавас қилдим, меҳрлісан-а,  
Ҳамма яхпи күради-я сени.  
Менгаям бир кириб кетасан-а,  
Танийсан-а мениям, Наврұз.

\*\*\*

Мен соат тақиши ёмон кўраман,  
Биламан, бу учун кечирмайди Вакт.  
Шундандир орқада қолаёттаним,  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен соат сўрашни яхши кўраман,  
Гарчи ҳеч қизиги бўлмаса ҳамки,  
Худди бир нарсага шопшаёттандай,  
Худди кечикаёттандай бахтнинг келиши:  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Мен Вактга ачинмай қўяман гоҳо,  
Хафа бўлиб кетаман гоҳида ундан.  
У эса қочтани қочган, қочтани қочган,  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

Барibir бир куни етаман унга,  
Ахир унга буюрилган мен-ла учрашмоқ.  
Шунда бир-биримизга сингиб кетамиз,  
О, билмадим бу қачон, билмадим, қачон?  
— Кечирасиз, соатингиз неччи бўлди?

\*\*\*

Мен лиммо-лим тұлиб кетдим,  
Хақнинг қули бұлиб кетдим,  
Ҳамма-ҳаммаси устидан  
Кулиб кетдим, кулиб кетдим.

\*\*\*

Дил уйи вайрона, ғодирим йиртиқ,  
Құзу қош ҳайрона, құлларим интиқ.  
Аёғим саргардон, сиғдирмади Ер,  
Холимни бир сүр.

Дарахти оввора фасллар билан,  
Шохлари фаввора, илдизи илон.  
Әгнимга илгани етти қават түр,  
Холимни бир сүр.

Мен сенга етмадим, қайларга етдим?  
Лек ҳали йитмадим, хаёлни йиртдим.  
Юлдузинг маёғим, кетмоқдаман, күр,  
Холимни бир сүр.

\*\*\*

Күйиб бергин, пишайин гартақ,  
Суякларим қояжираб кетсін,  
Хил-хил пишсін айниңса юрак.

Сұнг совутиб олғын шамолға —  
Учиб кетсін қора дудларим,  
Үчиб кетсін яра-ёдларим.

Қийма-қийма қылғын тилемні,  
Тилем-тилем ташла дилимні,  
Итта ташла, майли күзимні.

Шундаям кам, жудаям кам, кам,  
Хали етиб келмадым бунга,  
Күйиб бергин, пишайин гартақ.

\*\*\*

Халқадай тизилди нигоҳлар  
Туманзор ичинда тараккүй.  
Күзимга осилди гуноҳлар,  
Мен — осий, сен — осий, дил — осий.

Күнгиллар сиғдирмас жунунни,  
Ё жунун күнгилга сиғмади.  
Нигоҳинг ёролмас тутунни,  
Йигладинг, йигладим, йигладик.

Бизларни билмади одамлар,  
Аёғлар узылғанды ердан.  
Товушсиз йиглады қадамлар,  
Мен сени истадим бир дам...

\* \* \*

Хартутул чидадим, энди буёғи  
Сенинг измингдадир, подшосан ўзинг.  
Топа олсам эдим рангим, бүёғим,  
Ёруғ бўлар эди олдингда юзим.

Мен гулдан юзимни бургим келмади,  
Силқиб турар эдинг япроқларида.  
Ўтган ерларимни кўзим илмади,  
Изим билинмади тупроқларида.

Қайдан чиқади-ю қайта ботади,  
Мен сўқир эканман, қайдасан, Куёш?  
Яхлаган томримга ҳовур ўтади,  
Кўзгала бошлайди минг асрлик тош!

### ЁМФИР

Ёмфир — сенга аталган тилак,  
Кўзларимда силқийди ёмфир.  
Ёмфирдайин келақол, илло,  
Дил сувига ташнадир бағир.

Мени чорла ҳув узоқ кеча  
Чорлагани каби кўзларинг.  
Шод ӯлайин ёмғирдан ича,  
Ёмфир бўлсин сўзларинг.

---

## САРАТОН

Кулоқни тешгудай чириллоқ — чирр-чирр —  
Нұхат юлаётір бир тұда қыз.  
Үзини бозорға солар шабада,  
Саратон сабилдір, саратон сабил.

Шаҳарда хиёбон ичида бир түп —  
Зерикіб кетишар зерикішлардан.  
Теварак құзингінде айланар гир-гир,  
Саратон сабилдір, саратон сабил.

Мен ва сен, сен ва у, у ва мен — гарант,  
Лохасмиз, бехасмиз, бешамол, бедел.  
Томирлар шағындар, тортишар тирант,  
Саратон сабилдір, саратон сабил.

Хамма бир-бируни ёмон күради —  
Нафратлар пишади иссиқда ҳил-ҳил.  
Менинг қайларгадыр кеттім келади,  
Саратон сабилдір, саратон сабил.

## ТЕОРЕМА

Шовқинде ҳаёт бор —  
Қутблы ҳаёт.  
Ҳаестің шовқин бор —  
қутбсиз шовқиң.  
Үргіда үлім бор —  
шовқинсиз үлім.  
Үлімда ҳаёт бор —  
қутбсиз ҳаёт.

\* \* \*

Фақат йиғлаш мүмкін сенинг ҳолингта,  
Орзулардан чарчаган гаріб.  
Фақат йиғлаш мүмкін сенинг ҳолингта,  
Үкирмай, ёқаңгни йиругтайт.  
Фақат йиғлаш мүмкін сенинг ҳолингта,  
Йиғлашни орзу қылган бечора.

\* \* \*

Сен қабрсан,  
ұар куни  
ўлимни эслагандай эслайман сени.  
Сен тобора чукурлашиб бораяпсан,  
билимайман  
қачон күмилишімни Сенга.

\* \* \*

— Елғон сүзни айтолмай йиғлаб,  
тилимни тишлаб турғанимда  
қайда әдинг, Ҳақиқат?  
— Тилингнинг учидай!

\* \* \*

Новдаларда күм-күк эхтирос,  
Дараҳт ўзи ям-яшил хилқат.  
Барибир сұлади бир кун  
Илдизининг қоралигидан.

\* \* \*

### Бозорбойға

Яна куз келяпти тұрхалтаси бүш,  
Нимамиз бор унга берадиган?  
Эгнингизни ечинг, айтинг хайр-хүш,  
Азоб берәётір бултурғи тикан.

Сизни танийдими кекса тирамоҳ,  
Мени құрармикан құзлари сарғиш?  
Кўксимнинг чап қисми чимидлайди тоҳ,  
Илдиз отаётір у ерда қарғиши.

Куниппиб-қалтираб қутулдик қишлоған,  
Баҳорни алғадақ кузда деб ҳосил.  
Воз кеча олмасак эринчоқ Тушдан  
Бизни кечирагми бу күхна фасл?..

---

## ТУГУН

Сен боғлаган тугун қорачигимда.  
Баҳорининг кетиши бунча кўримли.  
Кетасан тугунни ечмасдан,  
Мени тарк этмади кузги хавотир.

Хавотир ичраман. Сен хотиржамсан  
Тобора чигаллик касб этар тугун.  
Интиҳо бормикин гайрий азобга,  
Кўрган сари сени кўролмаяпман.  
Мени тарк этмади кузги хавотир.

\* \* \*

Сенинг күзларингта қарамоқ — гуноҳ,  
Кўзимни покламай туриб риёдан.  
Сенинг соchlарингни силамоқ — гуноҳ,  
Кўлларимни чайиб олмай ҳаёда.

Сенинг хузурингда бўлишум гуноҳ  
Машаққат чекмайин бориб ёнингта.  
Сенсиз, сенга етмай ўлишум гуноҳ,  
Жонимни кўшмайин жонингта.

\* \* \*

Видодан бичилган тўним-а,  
Тўкилиб кетарсан бир куни.  
Боқолмай ўнгиму сўлима  
Бўлурман согинчнинг туткуни.

Ёнодир бор-йўғим сарватим —  
Гуноҳим — гулдилим ёнодир.  
Кўнглимнинг туйнуги — ҳайратим  
Ёнодир, ёнодир, ёнодир.

Сенмидинг заволти уволим,  
Не ҳисни тутқаздинг дилима?  
Бор-йўғим — азобли саволим —  
Видодан бичилган тўним-а.

---

\* \* \*

Елгончи абрлар кетдилар узок,  
Сен узоқ истадинг, ёғмади ёмғир.  
Бехуда бўлди-ей қўйганинг тузоқ,  
Энди кел, бағримга кир  
Фироқ.

Хайрон қолаверди баҳорий ҳислар,  
Кўм-кўк ҳисларингни алқади ишқим.  
Кўзларинг туманда нимани кўзлар,  
Нимани изладик беш кун  
Бизлар.

Илғадим, сен ўзи асли кўнгилчан,  
Лек кўнглинг кўнглимни айлади яғир.  
Мен сени қашф қилдим гаройиб кеча,  
Ўртаниб покланди бағир  
Шу кеча.

Қандайин чиройли бу оқшом юлдуз,  
Маъюс боқишлари эслатар кўзинг.  
Ёнингта боролмай ташнаман ёлгиз,  
Келсанг-чи, энди кел ўзинг,

\*\*\*

# *Мундарижа*

Мендан аразлаган шу телефон ҳам.....	4
Дүнө киччирайди, юрак каттарди.....	5
Гулга айлан, гулга айлангил.....	5
Осмон оқ либосда охиста.....	6
Дераза олдиди.....	7
Бир күн келиб сен билан бирөв.....	7
Қошлар камон.....	8
Сен ганийсан, суюклигим, мунча күп.....	9
Үтган масрур ёшлигин излаб.....	10
Юрагимда яшнаган гул.....	10
Бир нигоҳ ташлагил.....	11
Сен малак эмассан.....	11
Ярим кечә... Мусиқа янграр.....	12
Дилда шеър.....	12
Мана, яна гуллади осмон.....	13
Юзларида пардаи ибо.....	14
Чиройлисиз чиройлилардан.....	14
Хайқирсанг келгудай дүстларинг бўлса.....	15
Бермасанг ҳам заррача таскин.....	15
Осмонлар шаффофи тоза эди дил.....	16
Қўзим қадаҳида чайқалар шароб.....	17
Дараҳтлар ям-яшил, майсалар яшил.....	18
Нега бўйинг мендан баланд деб.....	18
Автобусда ёзилган шеър.....	19
Қизғалдоқдай эдинг.....	20
Пешонамга ёзилган.....	21
Ташқарида шовқин, қаҳқача хунук.....	22
Тор хужра. Торларинг чертар.....	22
Бекатдаман. Ҳаёлларим ланж.....	23
Қизиқтирмай қўйди эртага умил.....	24
Қандай йигит эдим.....	25
Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида.....	26
Сенга яхши сўзлар айтгим келади.....	27
Ўтган йили мен бола эдим.....	27
Кундузлар оталар ияртиб тўйларга.....	28
Битта осмон остида икки.....	28
Болалик, ай менинг тоза диллитим.....	29
Узоқлашиб бораятман секин.....	30
Ҳолим сўраб ҳеч ким келмади.....	32
Балки бу энг сунгти сафардир.....	33
Чехранг аламлардан.....	34
Ҳолат.....	34
Қизғалдоқ.....	35
Иккимиз, дилоро.....	35
Илтижо.....	36
Мен соат тақиши ёмон кўраман.....	37

Мен лиммо-лим тўлиб кетдим.....	38
Дил уйи вайронга.....	38
Кўйиб бергин, пишайин гартақ.....	39
Халқадай тизилди нигоҳлар.....	39
Ҳартугул чиддадим.....	40
Ёмир.....	40
Саратон.....	41
Теорема.....	41
Фақат йиглаш мумкин.....	42
Сен қабрсан.....	42
Ёлғон сўзни айттолмай йиглааб.....	42
Новдаларда кўм-кўк эҳтирос.....	43
Яна куз келаятти.....	43
Тутун.....	44
Сенинг кўзларинта.....	45
Видодан бичилган тўним-а.....	45
Ёлрончи абрлар кетдилар узоқ.....	46

---

*Ҳасан Карвонли,  
Ҳусан Карвонли*

# *Ёғул хаёл*

*Шеърлар*

*Муҳаррир Абдуҳошим Ирисбоев  
Бадший муҳаррирFaфуржон Алимов  
Техник муҳаррир Жаҳонгир Шароффбоев  
Мусаффих Фозил Мамапарипов*

Босишга 1.12.2004 й. да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобори 1,5. Шартли босма тобори 2,52.

Нускаси 3000. Беҳосса келишибилган нароҳа.

Буюртма № 307

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий китубхонаси ишариёти.

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий китубхонаси босмахонаси.  
Тошкент, X. Сулаймонова кўчаси, 33.